

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН  
ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**Эшмуродов Аббос Илёсович**

*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** ушбу мақолада вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши тўғрисида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик, профилактика, прокурор назорати, ҳуқуқий ҳужжатлар.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы отсутствия надзора за несовершеннолетними, а также даются комментарии к правовому регулированию осуществления прокурорского надзора за деятельностью по профилактике правонарушений.

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, безнадзорность, право-нарушения, профилактика, прокурорский надзор, правовые документы.

**Abstract:** In this article, the lack of supervision among minors and comments on the legal regulation of the implementation of the prosecutor's control over crime prevention activities are presented.

**Keywords:** minors, lack of supervision, delinquency, prevention, prosecutor's supervision, legal documents.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши деганда аввало мазкур соҳа бўйича прокуратура органларига белгилаб берилган вазифалар ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизмини ўзида акс эттирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тушуниш лозим.

Бирор-бир соҳа ёки тармоқ йўқки унинг ҳуқуқий асоси амалга ошириш механизми яратилмасдан туриб, унинг фаолиятини тартибга солиб бўлса.

Шу ўринда битта фактга тўхталиб ўтсак.

Бутун дунё олган ҳуқуқ оилаларидан ҳисобланган умумий ҳуқуқ “англо-саксон” тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда маҳаллий одатлар, суд амалиётлари ва ёзилмаган қонунлардан фойдаланишга рухсат берилган. (Изоҳ: Ушбу ҳуқуқ тизимидан Европа ва Америка қитаъсининг айрим давлатлари ҳозирда ҳам фойдаланиб келмоқда)

Мамлакатимиз жаҳондаги ҳуқуқ оилаларидан ҳисобланган “роман-герман” ҳуқуқ оиласига, яъни шахсларга ёки маълум бир давлат идораларига қараб эмас, балки ёзма Конституция, кодекслар ва махсус қонунларга асосланиб иш юритади.

Таъкидлаш жоизки, диссертация мавзуси доирасида прокурор назорати ҳақида сўз юритилиши баробарида бироз олдинроққа, унинг тарихига назар ташлаш ўйлаймизки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу кўринишдаги тузилма дастлаб Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимида 1944 йилда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш гуруҳи, кейинчалик 1962 йилда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш бўлими сифатида қайта ташкил этилиб, 1965 йил 16 мартда Ўзбекистон ССР прокурорининг 54-сонли буйруғига асосан республика прокуратураси маҳкамасида вояга етмаганлар ишлари бўйича 4 та штат бирлигидан иборат бўлим ташкил этилган.

Ушбу даврда асосий эътибор вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлигини олдини олиш ёхуд уларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилмаган.

Бунда вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда профилактика қилишнинг энг самарали йўли уларга нисбатан жазо тизимини оғирлаштирилганлиги билан ифодаланган. Ушбу мавзуга биринчи параграфда қисқача тўхталиб ўтилган.

Мустақилликка эришгач, 20.11.1991 йилда (Хужжат 15.09.2016 йилда кучини йўқотган) вояга етмаганлар соҳасини тартибга солувчи илк норматив ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонунда вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси каби тушунчаларга тариф берилмаган бўлсада, вояга етмаганларга нисбатан мажбурий тарбиявий таъсир чоратadbирларини қўллаш, шу жумладан:

- етказилган азият ғуборини кўтариш мажбуриятини юклаш;
- жарима солиш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш;
- ахлоқ-тузатиш ишларига юбориш, ҳибсга олиш, озодликдан маҳрум этиш, уларни махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш фақат суднинг ҳукмига ёки тегишли қарорига мувофиқ амалга оширилиши;

Шунингдек:

- давлат ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар анча инсонпарвар режимда сақланишини кафолатлаши;

- озодликдан маҳрум қилиш жойларида уларнинг аҳволини халқ депутатлари Кенгашлари ва жамоатчилик томонидан назорат қилиниши учун шарт-шароит яратиши;

– вояга етмаган ҳуқуқбузарлик учун содир этган жиноятларнинг оғирлик даражаси ва уларнинг ёшини ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жойларида табақалаштирилган режимда сақлаш назарда тутилиши аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1992 йил 8 январда “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги 313-сонли Фармонининг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг шаклланиши риқожланишида таянч бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Фармон билан собиқ СССР қарамоғидаги прокуратурадан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўлиқ ажралиб чиқди.

Шундан сўнг 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунга прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш ваколати киритилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 21.09.2000 йилдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360-сон қарорида Бош прокуратурага вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан назоратни кучайтириш, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини пухта ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилган. (Хужжат кучини йўқотган 27.06.2017)

Фақатгина суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш асосий вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва ушбу соҳада фаолият юритувчи мутасадди идорлар фаолиятини назорат қилиш вазифаси прокуратура органларига 2001 йил август ойидан бошлаб аниқ норматив-ҳуқуқий асослар билан белгилаб берилди.

Бунга қадар прокуратура органлари назоратсиз ва қаровсиз болалар, шунингдек вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини профилактикаси билан умумий асосларда фаолият юритиб келган.

Шундан сўнг вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида Бош прокурорнинг тегишли буйруқлари қабул қилиниб, йилдан йилга такомиллаштириб келинмоқда.

Хусусан, Бош прокурорнинг соҳада фаолият ва уни такомиллаштиришга доир 1997 йил 28 майда 5-сонли, 2000 йил 4 апрелда 30-сонли, 2004 йил 23 апрелдаги 11-сонли, 2004 йил 22 июндаги 27-сонли буйруғи қабул қилинган.

(Изоҳ: ҳозирда ушбу буйруқлар ўз кучини йўқотган)

Хусусан, Бош прокурорнинг 2004 йил 23 апрелдаги “�збекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 11-сонли буйруғида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлими фаолиятида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бевосита бўлим томонидан амалга оширилиши акс эттириб қўйилди.

Шунингдек, Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июндаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 27-сонли буйруғида:

– Бош прокуратуранинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими ҳамда ҳудудий прокурорларнинг бу соҳадаги асосий вазифаси вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги;

– давлат профилактика тизими органлари томонидан қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларни, нотинч оилаларни аниқлаш ҳамда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида ваколатли идораларга мурожаат қилиш ҳақидаги қонун талабларининг оғишмай бажарилишини таъминлашга эришиш лозимлиги;

– ички ишлар органларининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати фаолияти устидан назорат кучайтирилиши, вояга етмаганларни ички ишлар органларига олиб келишнинг қонунийлиги, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа таъсир чоралари кўриш ҳамда профилактика рўйхатига олиш ҳақидаги қарорларнинг асослилиги мунтазам равишда, профилактика ишларининг аҳволи ҳар чоракда камида бир маротаба текширилиши кераклиги қайд этилган.

Юқорида қайд этилган нормалардан кўриниб турибдики, 2001-2010 йилларда прокуратура органларида вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини назорат қилиш вазифаси норматив ҳужжатларнинг маълум бир бандида белгилаб келинган.

Таъкидлаш керак, 2010 йилдан бошлаб вояга етмаганларни назоратсизлигини олдини олиш ҳамда улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, 2010 йил 29 сентябрда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан сўнг соҳага эътибор тубдан ўзгарди.

Қонунга асосан прокуратура органларига юклатилган асосий вазифалар, умуман олганда прокуратуранинг соҳадаги ўрнини биринчи режада қисқача келтириб ўтилган.

Шунингдек, ушбу даврдан бошлаб соҳани тартибга солишга оид бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, нафақат прокуратура органларига, балки давлат ҳокимиятининг бошқарув ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига қатор вазифалар юкланди.

Сабаби илм-фан технологиялар асри ҳисобланган XXI асрга келиб, ёшларни ёд ғоялар таъсирига тушиб қолиш омиллари салмоғи анча кенгайди.

Оғир бўлсада яна бир ҳақиқатни тан олишимиз лозим, ушбу даврга келиб хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ва глобаллашув жараёнининг тезлашиши натижасида:

– фарзанд тарбияси масаласи аксарият ота-оналарнинг асосий эътиборидан четда қолиб, мол-мулкка эга бўлиш истаги кескин ортди.

Натижада фарзандларни туғилганидан қаровчига ёки мактабгача таълим ташкилотларига олиб бориш одат тусига айланди (Статситик ҳисоботларга кўра охириги йилларда ҳукукбузарлик содир этган болаларнинг аксарият қисми асосий вақтини ота-онаси билан эмас, балки кўчада ёки таълим муассасаларида ўтказётган болалар ташкил этган);

– миллий давлатчилигимиз тарихий тажрибаси, кадрятларимиз ва буюк маданий ва маърифий меросимизга қараб эмас, балки Ғарб мамлакатларининг ғоялари билан бойитилган таълим ва тарбия тизимини кўкка кўтардик ва эътироф этдик;

– фарзандларни уяли алоқа телефонлари орқали тарбиялаш ва овутиш оддий ҳолат сифатида қаралди.

Умуман олганда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин фақат оқибатларни санаш ёки охири йўқ норматив ҳужжатлар қабул қилиш билан муаммоларнинг ечимини топиб бўлмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 11.01.2011 йилдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 13-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси фаолиятига раислик қилиш Бош прокурорга юклатилганлиги соҳанинг нақадар масъулиятли ва долзарблигидан далолат беради. (Ҳужжат кучини йўқотган 27.06.2017)

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилган бўлиб, ҳудудий прокуратураларда вилоят прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси (ёрдамчиси) лавозими белгиланган.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳукуқий асоси бўлиб амалдаги соҳага оид қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 31 августдаги 138-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги

буйруғи (25.05.2021 йилга қадар амалда бўлган) муҳим соҳавий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган.

Мазкур буйруқ билан бошқарманинг асосий вазифаси сифатида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида қонунийлик аҳволи ва прокурор назорати амалиётини тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш белгиланган.

Шунингдек, 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида:

- “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик-ларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун талабларининг масъул органлар ва муассасалар томонидан сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назорат ўрнатиш;

- таълим муассасалари, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа идоралар мансабдор шахсларининг:–сабабсиз дарс қолдираётган ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни таълимга қайтариш чораларини кўриш;

- вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий ҳаракатларни барвақт олдини олиш;

- назоратсиз ва қаровсиз қолган болаларни, шунингдек, ижтимоий хавфли ҳолатдаги оилаларни аниқлаш, улар билан яқка тартибдаги профилактика ва ижтимоий-педагогик реабилитация тадбирларини ташкил этиш;

- фарзандларини моддий таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларидан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган ота-оналарни аниқлаш ва буборада профилактика ишларини олиб бориш;

- вояга етмаганларнинг таълим олишига тўсқинлик қилиш, уларга салбий таъсир кўрсатиш ёки шафқатсиз муомалада бўлиш ҳолатларини олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъулиятини оширишга қаратилган таъсирчан чоралар кўриб бориш вазифалари юклатилган.

2019 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори<sup>17</sup> вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2019 й., 07/19/4296/3001-сон

Негаки мазкур қарорда Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратишга оид миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланиши белгиланди. Бу эса малакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини аңлатади.

Шу билан бирга, 25.05.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 228-сонли буйруғида:

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий ҳаракатлар профилактикасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

– назорат остидаги объектларда, жумладан Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (профессional таълим қисми бўйича) ҳамда Ички ишлар вазирлигининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишга масъул тармоқларида қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва бевосита амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини ўрганиш бошқарманинг асосий вазифалари қаторига киритилган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши соҳада амалга оширилаётган ишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси вазифасини бажаради.

Ўрнатилган тартибга асосан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар прокуратура органларини вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши лозим. Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва болалар масалалари бўйича комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилади<sup>18</sup>.

Шу ўринда қайд этиш керак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси

<sup>18</sup> Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари инспектор-психолог офицерлик лавозимларига қабул қилинган ходимлар учун юридик тайёргарлик модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти, 2023. – 21-бет.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилди.

Бизнингча, мазкур институтнинг жорий этилиши вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш ва уларга оғишмай амал қилинишини таъминлаш, шунингдек вояга етмаганлар ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш механизми сифатида юзага чиқди.

Бу бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганида жумладан, Россия Федерацияси, Украинада бундай вакил институти мамлакат Президенти ҳузурида ташкил этилган бўлса, Ўзбекистон мисолида бу институт Президентнинг эмас, балки Олий Мажлисининг вакили сифатида фаолият юритади.

Бундай амалиёт Швеция (Ригсдаг вакили) ва Финляндия (Парламент вакили) тажрибасида ҳам кузатилади. Шунингдек, бундай вакил институтлари фаолиятининг ташкил этилиши уларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва назорат қилиш компетенцияларига кўра ҳам фарқланади<sup>19</sup>.

Алоҳида қайд этиш керакки, ўсиб келаётган ёш авлодни уларнинг саломатлигига, ҳаётига ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан асрашни назарда тутувчи “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур масалани тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Қонунда бузғунчи ғоялар билан болаларнинг руҳияти, ҳаётига ва саломатлигига зиён етказувчи ахборотлар тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш масалалари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг иштироки ҳамда улар томонидан жамоатчилик назоратини кучайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 21.02.2024 йилдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг Бешинчи даврий маърузаси юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида”ги қўшма қарори билан тасдиқланган Миллий ҳаракатлар режасида ҳам прокуратура органларининг соҳадаги қатор йўналишларда масъуллиги белгиланган.

Хусусан:

<sup>19</sup> Лихтер П. Л. Проблемы совершенствования законодательства о компетенции уполномоченного по правам ребенка в субъектах РФ. // Ленинградский юридический журнал. 2015. №2 (40).

– вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалалари бўйича инспекторлар, мактаб ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун болаларни тарбиялашнинг ижобий стандартлари бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш;

– миллий қонунчиликни болаларга нисбатан одил судловнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш, шу жумладан одил судловни таъминлаш чораларини жорий этиш ҳамда ҳуқуқбузар болалар, жиноят қурбонлари ва гувоҳларининг болалари, маъмурий иш юритишга жалб қилинган болалар учун ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш шулар жумласидандир<sup>20</sup>.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини қандай тарзда амалга оширилаётгани куйидаги асосий соҳаларда кўриш мумкин:

– ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллеж (техникум)ларда вояга етмаганларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётганлиги;

– болалар шифохоналари, спорт-соғломлаштириш мактаблари, оромгоҳларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат олиб борилаётганлиги;

– вояга етмаганларга эҳтиёт чораси қўллаш масаласи, уларни қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ва имтиёзларига дастлабки тергов ва суд органлари томонидан қай даражада амал қилинаётганлиги;

– вояга етмаганларга тааллуқли ишларда педагог ва психологлардан фойдаланилаётганлиги, жиноят ишлари бўйича барча ишларда прокурорнинг иштироки тўлиқ таъминланланаётганлиги;

– ҳокимиятлар ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги васийлик ва хомийлик органлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни аниқ ва бир хилда, қонунда кўрсатилган муддат ва тартибларда амалга оширилаётганлиги;

– қорхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вояга етмаганлар билан меҳнат шартномаси тузилиб, уларнинг меҳнатидан фойдаланилаётганда, уларнинг меҳнат ва бошқа қонунчиликларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилмаслигини таъминлаш чоралари кўрилаётганлиги.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Лихтер П. Л. Проблемы совершенствования законодательства о компетенции уполномоченного по правам ребенка в субъектах РФ. // Ленинградский юридический журнал. 2015. №2 (40)

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашининг 2024 йил 21 февралдаги 4068-IV/КҚ-688-IV-сонли Қўшма қарори иловаси 90-банди.

2. Исламов Ж. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини ошириш. [https://ombudsman.uz/uz/docs\\_voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish](https://ombudsman.uz/uz/docs_voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish)

3. “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 139-сон буйруғи

4. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари инспектор-психолог офицерлик лавозимларига қабул қилинган ходимлар учун юридик тайёргарлик модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти, 2023. – 21-бет

5. Глазкова, Н. И. Прокурорский надзор за исполнением законов о профилактике безнадзорности, правонарушений и преступности несовершеннолетних / Н. И. Глазкова // Пенитенциарная система и общество: опыт взаимодействия : сборник материалов IV Международной научно-практической конференции, Пермь, 04–06 апреля 2017 года. – Пермь: Пермский институт Федеральной службы исполнения наказаний, 2017. – С. 355-358. – EDN KUOJEI. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=38171016>

6. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 28.10.2022 й., 03/22/797/0967-сон). <https://lex.uz/docs/3027843>

7. Абреимова, А. В. Организация и проведение прокурорских проверок за исполнением органами внутренних дел законодательства о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних / А. В. Абреимова // Современные тенденции развития юриспруденции, экономики и управления : сборник материалов межрегиональной научной конференции, Елец, 18 апреля 2019 года. – Елец: Елецкий государственный университет им. И.А. Бунина, 2019. – С. 171-174. – EDN NOIXKM. <https://elibrary.ru/item.asp?id=41291924>

8. Тхакумачев Б.Ю. Предмет прокурорского надзора за исполнением законов о несовершеннолетних органами внутренних дел // Вестник МПА ВПА (сборник научных трудов). Вып.3. Правовое и экономическое обеспечение цифровизации профессионального образования: проблемы и решения. Тула., МПА ВПА. -2023.- 255 с. <http://mpavpa.ru/files/IUSSE-3.pdf#page=92>